

**Сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари ижросини
таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Сув ҳўжалиги соҳасида ижро интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан мустаҳкам тизим яратиш, тартиб ўрнатиш, темир интизомни жойига қўйиш, раҳбарлар ва ходимларнинг дунёқарашини ўзгартириш – соҳа ходимларининг энг муҳим ҳамда асосий фаолият мезонларидир.

Давлат раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан “Ijro.gov.uz” тизими орқали вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 31-майдаги ПҚ–5132-сонли қарори асосида ташкил қилинган ягона ва узлуксиз “технологик занжир” асосида амалга оширилиб, ижро интизомига риоя этиш борасида қатъий тартиб, интизом ва тизимли назорат ўрнатилиб, муайян натижадорликка эришилди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 118 та ҳужжати орқали 1 293 та топшириқ назоратга олинган ва ижроси таъминланган. Шундан, 58 таси белгиланган муддатидан кечиктириб бажарилган ва 15 та топшириқнинг муддатини узайтириш юзасидан Адлия вазирлигига таклифлар киритилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Раёсат баёнлари билан ижро муддатларини узайтириш маъқулланган.

Администратсия раҳбарининг 24 та топшириғи назоратга олинган ва ижроси таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 308 та топшириғи назоратга олинган ва ижроси таъминланган. Шундан, 45 таси белгиланган муддатидан кечиктириб бажарилган.

Жорий йилнинг сентябр ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган 106 та Президент топшириқлари, 13 та Администрация раҳбари топшириқлари ҳамда 55 та Вазирлар Маҳкамаси топшириқларининг барчасиси (100 фоиз) тўлиқ бажарилган ва ўрнатилган тартибда назоратдан чиқарилган.

Шунингдек, 2025-йил якунига қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 823 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, 550 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 273 тасида ҳам ижрочи.

Администрация раҳбарининг 63 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, 28 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 35 тасида ҳам ижрочи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 186 та топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, 125 тасида вазирлик асосий ижрочи ва 61 тасида ҳам ижрочи ҳисобланади.

Топшириқлар ижросини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳар ҳафта вазирлик марказий аппарати йиғилишлари ҳамда ҳар ой якуни билан ҳайъат йиғилишида танқидий таҳлил қилиб борилмоқда.

Ташкилий назорат ва таҳлил бўлими